

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АБДУКАРИМОВА МАШХУРА АБДУРАИМОВНА

**КОНТАКТСИЗ УСУЛЛАР АСОСИДА АЁЛЛАР КИЙИМЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.04 - Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Абдукаримова Машхура Абдураимовна Контактсиз усуллар асосида аёллар кийимларини лойихалаш технологиясини ишлаб чиқиш.....	3
Абдукаримова Машхура Абдураимовна Разработка технологии проектирования женской одежды на основе бесконтактных методов.....	29
Abdukarimova Mashkhura Development of women clothes designing technology on the basis of non-contact methods.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АБДУКАРИМОВА МАШХУРА АБДУРАИМОВНА

**КОНТАКТСИЗ УСУЛЛАР АСОСИДА АЁЛЛАР КИЙИМЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.04 - Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3. DSs/ T155 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий ошпонентлар:

Жилисбаева Раушан Оразовна
техника фанлари доктори, профессор

Алимова Халимахон Алимовна
техника фанлари доктори, профессор

Сиддиков Исомиддин Хақимович
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «29» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона)

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (45-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яққасарой тумани, Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил «25» июл куни тарқатилди.

(2018 йил «25» июлдаги 45-рақамли реестр баённомаси).



Қ.Жуманиязов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Тошпўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тикувчилик буюмларини ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш орқали уларнинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Италия каби бир қатор мамлакатларда тикувчилик маҳсулотларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган усулларини ривожлантириш, технологик жараёнларни бошқариш услубларини такомиллаштириш бўйича етарлича муваффақиятларга эришилган. Шу жиҳати билан улар тикув буюмлари рақобатбардошлилигини таъминловчи муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланган юқори самарали технологиялар бозорида лидерлик позициясини ушлаб туради. Шу билан бирга, кийимларни лойиҳалаш жараёнига манзилли ёндашувни ҳисобга олувчи янги техник воситалар ва технологияларни яратиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда буюмни манзилли лойиҳалаш концепцияси доирасида компьютерлаштирилган 3D лойиҳалаш соҳасига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, хусусан автоматлаштириш ва ўлчаш аниқлиги даражасини оширувчи қомат ўлчам параметрларини контактсиз ўлчаш воситаларини ишлаб чиқиш, аҳолининг ўлчам типологиясини, кийим ёйилмасини олиш усулларини, қоматнинг реал юзасини акс эттирувчи виртуал манекенларни лойиҳалашни такомиллаштириш, кийимнинг уч ўлчамли лойиҳалаш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга кийимларни лойиҳалаш ва антропометрик тадқиқотлар ўтказиш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш, қомат антропометрик нукталари ҳолатини аналитик аниқлаш, аҳоли мақсадли гуруҳлари учун ўлчам ва бўй шкалаларини яратиш зарур.

Республикамизда тикувчилик саноатини модернизациялаш, тикув буюмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш технологик даражасини кўтариш, лойиҳа ишларини автоматлаштириш, ички ва ташқи бозорда тикув буюмлари рақобатбардошлилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни тадбиқ этиш...»¹ вазифалари белгилаб берилган.¹ Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган ва аҳолининг тикув буюмларига бўлган эҳтиёжини қондирадиган контактсиз ўлчаш усули асосида кийимни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

манзилли лойиҳалаш инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик», IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Тикувчилик саноати техника-технологияларини ривожлантиришга, истеъмолчилар қомати параметрларини ўлчаш жараёнларини автоматлаштириш ва янги кийим моделларини виртуал уч ўлчамли лойиҳалаш техника ва технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Texas at Austin (АҚШ), Texas A&M University (АҚШ), Stanford Graduate School of Business (Англия), University of Cambridge (Англия), Virginia Polytechnic Institute and State University (АҚШ), Technische Universität Dresden (Германия), Politecnico di Milano (Италия), Donghua University (Хитой), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Корея), Université de Genève (Швейцария), Hong Kong University of Science and Technology (Гонконг), Oklahoma State University (АҚШ), Россия давлат университети (Технологиялар. Дизайн. Санъат), Иваново давлат политехника университети (Россия) томонидан олиб борилмоқда.

Тикувчилик буюмлари сифатини ва ишлаб чиқариш самародорлигини оширишга қаратилган техника ва технологияларни такомиллаштириш борасида жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: қоматнинг қатор ўлчамли параметрларини ўлчашни автоматлаштириш ва аҳоли ўртасида оммавий антропометрик тадқиқотлар ўтказиш методикалари, 3D сканерлаш асосида қоматнинг рақамли моделини шакллантириш технологиялари ишлаб чиқилган (“BodyLine Scanner”, “CARTESI A series”, Япония; “HUMAG”, Буюк Британия; «Symcad», “3D OUEST Ltd KORUX 2.0”, Франция; “WholeBody-4», «ImageTwin», АҚШ; “VITUS 3D Bodyscanner” Германия);

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.chnna-warpingmachine.com, www.zaurer.com; www.t-tecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, <http://www.benningergroup.com>; www.somet.it, www.picanol.bi, <http://www/toyoda.com>, www.bstzjx.com, International journal of applied ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

3D тизимида қомат ўлчам параметрларини виртуал ўлчаш асосида кийим эскизини яратиш, моделлаш ва кийим юзаси ёйилмасини лойиҳалаш процедураларини ўз ичига олувчи қоматга мос кийимларни лойиҳалашнинг инновацион технологиялари ишлаб чиқилган («DressingSim», Япония; «i-Designer», Корея; «Ассоль», «СТАПРИМ» Россия; «Lectra System» Франция; «Runway Designer», Исроил; «Gerber», АҚШ).

Дунёда кенг миқёсда кийимларни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: уч ўлчамли сканерлаш ва истеъмолчилар қоматида буюмнинг виртуал ўрнашувини таъминловчи технологиялар ёрдамида кийимни индивидуал тарзда лойиҳалаш усулларини яратиш; кийимларни оммавий саноатда ишлаб чиқариш учун ўлчам стандартларини ва конструкциялашнинг автоматлаштирилган усулларини такомиллаштириш; аҳолини уларнинг ўлчамларига мос кийимлар билан таъминлаш муаммоларини ечишда кастомизацияланган ёндашувни ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тикув буюмларини лойиҳалашнинг назарий методологик асосларининг турли аспектлари, қоматнинг ўлчам кўрсаткичларини масофадан аниқлаш технологияси, уч ўлчамли лойиҳалаш технологияси, тикувчилик ишлаб чиқариш кастомизациясига оид масалалари бўйича бир қатор чет эллик олимлар: Н. Kim, М. L. Damhorst, Н. Hsiao, М. L. Mpampa, М. Aghekyan, М. Sohn, Н. K. Song, S. P. Ashdown, Т. Kohlschütter, Н. Seo, Y. I. Yeo, K. Wohn, A. Widyanti, A. Ardiansyah, Yassierli, Hardiant Iridiastadi, Leong Iat-Fai, Fang Jing-Jing ва бошқалар фундаментал тадқиқот олиб борганлар. Қайд қилинган муаммоларни ишлаб чиқишда рус олимлари: Н. Н. Раздомахин, Е. Ю. Кривобородова, В. Е. Кузмичев, Е. Г. Андреева, А. И. Мартынова, И. А. Петросова, В. В. Гетманцева, О. В. Покровская ва бошқа олимлар тадқиқотлар олиб борганлар ва соҳа ривожига салмоқли ҳиссаларини кўшганлар.

Турли соҳаларда автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий ва ахборот таъминоти, тикув буюмларини лойиҳалаш жараёнини такомиллаштириш ва мамлакатимиз тикув-трикотаж ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш билан боғлиқ фундаментал, илмий методологик ва амалий масалаларни ечишга ўзбек олимлари: В. К. Қобулов, М. М. Камилов, Т. Ф. Бекмуратов, Х. А. Алимова, Х. Х. Камилова, Ф. У. Нигматова, С. Ш. Ташпулатов, Д. У. Арипджанова, М. А. Мансурова ва бошқалар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшганлар.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда кастомизацияланган ёндашув концепцияси асосида аёллар кийимини лойиҳалаш, бунда одам қомати ҳақидаги маълумотни юқори аниқликда узатилишини таъминловчи масофадан ўлчашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш муаммолари билан боғлиқ изланишлар ҳанузгача олиб борилмаган. Антропометрик тадқиқотлар олиб бориш серхаражат жараён ҳисобланиб,

анъанавий контактли ўлчаш усуллари эса ривожланган ахборот технологиялари асрида ўз долзарблигини йўқотиб бормокда ва иккинчи даражага ўтмоқда. Шу жиҳатдан, қомат антропометрик параметрларини автоматик тарзда контактсиз ўлчаш ва уларни математик ифодалаш ҳамда кийимни конструкциялаш процедураларини автоматлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Инфо-фан” ахборот технологиялар маркази давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-057 «Одам қомати ташқи шакли ўлчамларини олишнинг контактсиз усули асосида кийимларни лойиҳалашнинг уч ўлчамли тизимини ишлаб чиқиш» (2012-2014); №А5-045 «Кийимларни лойиҳалаш учун одам қомати параметрларини масофадан ўлчаш усуллари тақомиллаштириш» (2015-1017); №И-2015-2-16 «Миллий размер ўлчамли типология асосида аёллар кийимларини лойиҳалашнинг янги технологиясини жорий этиш» (2015-2016) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тикув буюмларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берадиган одам қомати антропометрик кўрсаткичларини контактсиз ўлчаш усуллари асосида кийимни манзилли лойиҳалаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қоматнинг антропометрик тавсифларига юқори даражада мос келиши билан ажралиб турадиган уч ўлчамли сканерлаш усули асосида тикув буюмларини серияли ва индивидуал ишлаб чиқариш учун манзилли лойиҳалаш технологиясининг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

ёруғлик нурлари ёрдамида қоматда акс эттирилган белгилардан фойдаланган ҳолда олинган проекцион ўлчамлар бўйича одам танаси ташқи шаклининг математик тавсифини ишлаб чиқиш;

тасвир бўйича қоматнинг антропометрик нуқталари ҳолатини аниқлаш ва аппроксимация усулидан фойдаланган ҳолда ўлчамли белгиларни ҳисоблаш алгоритми ва моделларини ишлаб чиқиш;

тикув буюмлари андозаларини автоматик тарзда лойиҳалаш тизими билан интеграллашувини таъминлайдиган қомат ўлчамли параметрларини масофадан ўлчашнинг дастурий воситалари ва услубларини ишлаб чиқиш;

3D сканерлаш асосида белгиланган аёллар сегменти доирасида антропометрик тадқиқотлар олиб бориш ва улар асосида типик қоматларнинг маълумотлар базасини (ўлчамли типологиясини) шакллантириш;

уч ўлчамли сканерлаш усулидан фойдаланган ҳолда аёллар кийимини лойиҳалаш технологиясини амалиётда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида одам қоматининг ўлчамлари, уларни масофадан ўлчаш ва кийимни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаш тизимлари, антропометрик ўлчам стандартлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети аёллар кийимини манзилли лойиҳалаш усуллари ва қоматни проекцион тасвири бўйича контактсиз ўлчаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кийим лойиҳалаш муаммоларига тизимли ёндашув, қоматнинг антропометрик параметрларини масофадан ўлчаш, тасвирни аниқлаш, лойиҳалашнинг автоматлаштирилган усуллари, статистик ва регрессион таҳлил, уч ўлчамли маълумотларни аппроксимациялаш, кийим деталлари ёйилмасини олиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

манзилли ишлаб чиқариш шароитида истеъмолчилар талаби қондирилишини таъминлайдиган уч ўлчамли сканерлаш технологиясини қўллаган ҳолда тикув буюмларини лойиҳалаш технологияси ва инструментал воситалари яратилган;

ёруғлик нурлари ёрдамида қоматда акс эттирилган белгилардан фойдаланган ҳолда олинган проекцион ўлчамлар бўйича одам танасининг ташқи шаклини контактсиз ўлчаш усули ишлаб чиқилган;

Виола-Джонс аниқлаш алгоритмидан фойдаланган ҳолда қоматнинг виртуал уч ўлчамли рақамли модели қурилишини таъминловчи тасвирда қоматнинг антропометрик нуқталари ҳолатини аналитик тавсифлаш усули ишлаб чиқилган;

қоматнинг ассиметрия кесими ва уни кузатилаётган кесим контурига нисбатан марказнинг силжишини ҳисобга олган одам қоматининг айлана антропометрик параметрларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

тўғри ва эллиптик эгри чизиқлардан ҳамда Безье эгри чизиғи ёрдамида айлана кўрсаткичлари ҳисобининг аниқлиги билан фарқланадиган қомат айлана кесимини аппроксимациялаш усули ишлаб чиқилган;

қоматнинг проекцион тасвири бўйича 3D сканерлаш ва антропометрик параметрларни ўлчаш технологиясининг ахборот, инструментал ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

буюмнинг турли ҳажмий-силуэтли шаклли чизмаси алоҳида элементлари орасида аниқланган аналитик боғлиқлиги асосида аёллар елкали кийимларининг конструкциялаш услуби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

буюмни лойиҳалаш ишлари тезкорлигини ва истеъмолчиларни қониққанлик даражасини ошириш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини кўтариш имкониятига эга бўлган қомат ўлчам белгиларини масофадан ўлчаш тизими ишлаб чиқилган;

оммавий ишлаб чиқариш учун муайян истеъмолчи сегменти доирасида аёллар типавий қоматларининг маълумотлар базаси ҳамда ўлчам ва бўйлар шкаласи ишлаб чиқилган;

аёлларнинг елкали кийими базавий асосини конструкциялаш методикаси ва уни амалга оширувчи дастурий воситалар ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

турли ҳажмий силуэт шаклига эга бўлган аёллар жакетининг базавий конструкциясини лойиҳалаш ва моделлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар, қоматда сифатли ўрнашуви билан ажралиб турадиган аёллар костюми моделларининг “Техник тавсифи” ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги корректив вазибалар қўя билиш ва уларнинг ечимини топишда замонавий усуллар қўлланганлиги, ишлаб чиқилган назарий моделларнинг кузатилаётган қонуниятга адекватлилиги, назарий ва экспериментал маълумотларнинг ўзаро мослиги, эксперимент натижаларининг статистик таҳлили, олинган натижаларнинг амалиётда қўлланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уч ўлчамли сканерлаш ва қоматнинг проекцион тасвири бўйича ўлчам параметрларини аниқлаш методологияси ҳамда кийимларни манзилли лойиҳалаш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги; қоматнинг антропометрик нуқталари координатасини аниқлашнинг математик моделлари ва алгоритмлари, ёйсимон ўлчамли параметрларни аппроксимациялашнинг математик моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги; муайян сегментдаги аёллар типавий қоматларининг размер ва бўй бўйича оптимал шкаласини ишлаб чиқилганлиги; базавий асос конструктив параметрларини ҳисоблаш учун аналитик боғланишларнинг олинганлиги; аёллар кийими шакли ва конструкциясини моделлаштириш бўйича илмий-асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қомат ўлчам параметрларини масофадан ўлчаш бўйича тавсия қилинган усуллар, алгоритмлар ва дастурий воситаларидан аҳоли ўлчам типологиясини яратиш ва кийимларни лойиҳалашни автоматлаштириш жараёнида бевосита қўллаш имконияти; меҳнат самарадорлигини ва кийим сифатини оширишга қаратилган кийимларни манзилли лойиҳалаш технологиясини саноат шароитида қўллаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Контактсиз усулни қўллаган ҳолда аёллар кийимини лойиҳалаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аёллар кийимини индивидуал тарзда ишлаб чиқариш учун уч ўлчамли сканерлаш тизимининг инструментал-дастурий воситалари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарида, хусусан “Istiqloл Dizayn Markazi” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги БМ-06-4026-сон маълумотномаси). Натижада автоматлаштирилган режимда тикув буюмларини ишлаб чиқаришнинг узлуксиз циклларини ташкил этиш имкони яратилган;

аёллар устки кийимини конструкциялаш услуби “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарида, хусусан “Aurora Textile Business” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил

12 июндаги БМ-06-4026-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа-конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун кетадиган вақт ҳаражатларини қисқартириш имконини берган;

тижорий жиҳатдан муваффақиятли моделлар базавий ҳажмли-силуэт шаклларининг параметрлари ҳамда ярим жун матосидан аёллар костюми моделлари учун “Техник тавсиф” кўринишидаги меъёрий ҳужжатлар “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарда, хусусан “IDEAL” товар белгиси остидаги тикув корхоналарида ва “Istiqlol Dizayn Markazi” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги БМ-06-4026-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳалаш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3% га ошириш имконияти яратилган;

контактсиз усуллар асосида аёллар кийимини манзилли лойиҳалаш технологияси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тизимидаги корхоналарида, хусусан “Istiqlol Dizayn Markazi” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2018 йил 12 июндаги БМ-06-4026-сон маълумотномаси). Натижада буюмни лойиҳалаш учун кетадиган вақт ҳаражатларини 17,5% га қисқартириш, меҳнат унумдорлигини эса 21,2% га ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола нашр этилган, шундан 2 та мақола чет элда чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг дастурий маҳсулотига 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кийим лойиҳалаш жараёнининг ҳолати, муаммолари ва такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида уч ўлчамли ўлчаш ва лойиҳалаш тизимлари асосида манзилли лойиҳалашнинг усуллари таҳлили, аёллар кийимларини лойиҳалаш жараёнининг антропометрик маълумотлари билан таъминоти муаммолари ҳолати, одам қомати ташқи шаклининг тадқиқоти усуллари, жумладан қомат параметрларини контактсиз ўлчаш усуллари, қомат антропометрик нуқталари ҳолатини аниқлаш ва уларни ҳисоблаш усуллари таҳлили келтирилган. Аҳолининг оммавий ишлаб чиқарилаётган кийимлардан қониқиш даражаси 25-30% дан ортмаслиги, яъни деярли 70% аҳолига кийимнинг инсон қоматида сифатли ўрнашуви кафолатланмаганлиги кўрсатилган. Бу йўналишда оммавий ва индивидуал ишлаб чиқаришнинг интеграцияси асосида манзилли лойиҳалаш принциплари ва ўлчам олиш уч ўлчамли тизимларини тадбиқ этиш истиқболли ҳисобланади.

Чет элда оптик ўлчашлар асосида истеъмолчилар қомати ташқи шаклини сканерлаш 3D тизимларидан кенг қўлланилиши аниқланган. Бироқ ўлчам белгиларини автоматик аниқлашни таъминлайдиган тасвирларда антропометрик нуқталар ҳолатини аналитик ифодалаш усуллари мавжуд эмас. Бу контактсиз усуллар асосида кийимларни манзилли лойиҳалаш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш долзарблигини белгилаб беради.

Диссертациянинг **“Енгил саноатда уч ўлчамли сканерлаш технологиясининг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи боби қомат ўлчам параметрларини масофадан ўлчашнинг илмий муаммоларини ечишга бағишланган.

Мода тенденциялари, маркетинг тадқиқоти натижалари ва 3D сканерлаш технологияларидан фойдаланиш йўли билан олинадиган типавий ва индивидуал қоматнинг антропометрик характеристикаларини қайд этишга асосланган кийимни манзилли лойиҳалаш усули таклиф қилинган (1-расм). Кийимни манзилли лойиҳалаш жараёни модели кийимларни оммавий ишлаб чиқариш шароитида истемолчиларнинг талабларини инобатга олиш - кастомизациялаш (индивидуаллаштириш) механизмини ифодалайди ва лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш, унинг оперативлиги ва самарадорлигига махсус талабларни кўяди. Кийимни манзилли лойиҳалаш усулини амалга оширишдаги асосий омил – қоматни масофадан ўлчаш замонавий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг аниқлигини таъминлаш ҳисобланади.


Ёруғлик нурлари ёрдамида қоматда акс эттирилган белгилардан фойдаланган ҳолда проекцион тасвирлар бўйича инсон қомати ўлчам параметрларини масофадан ўлчашнинг янги усули таклиф қилинди. Унинг моҳияти уч ўлчамли координаталар системасида қомат юзасидаги ҳар қандай нуқта ҳақида фазовий маълумотлар олиш ва қоматнинг антропометрик ўлчам параметрларини ҳисоблашдан иборат. Бундай ўлчаш усули антропометрик ўлчамларни ҳисоблашнинг икки усули комбинациясига асосланади -

проекцион тасвирлар бўйича қомат юзаси антропометрик нуқталари координаталарини ўлчаш усули ва қоматнинг ўлчамли параметрларини аналитик ифодалаш усули. Ишлаб чиқилган технология виртуал моделларни куриш ва сиртнинг ҳамда бошқа мураккаб фазовий объектлар геометрик характеристикаларини ҳисоблашда қўлланилиши мумкин.




1-расм. 3D сканерлаш технологияси асосида кийимларни автоматлаштирилган манзилли лойиҳалаш жараёнининг модели

Проекцион тасвирлар бўйича қомат юзаси нуқталари уч ўлчамли координаталарини аниқлаш технологиясининг ўзига хос жиҳати, нуқталар координаталарини топишда ЁСИ (ёруғлик структураси имитатори) моделига асосланиб ишлаб чиқилган қўшимча ўлчагичдан фойдаланиш ҳисобланади. Қўшимча ўлчагич қомат юзасида ёруғлик белгиларини акс эттирадиган ёруғлик кўрсаткичидан ёки ўлчанаётган объект юзасига киритилган эквивалент белгилардан иборат. Бунда ёруғлик белгиларини фазовий координаталари оптик триангуляция усули билан аниқланади. Триангуляцион ўлчагичда амалга ошадиган масофани ўлчаш триангуляцион усули керакли масофани фотоаппарат оптик ўқи, ёруғлик белгисининг юзага тушиш чизиғи ва база ўлчаш чизиғидан, фотоаппарат ўқи ва ёруғлик кўрсаткичи ўқи орасидаги масофадан ҳосил бўладиган учбурчак нисбати орқали ҳисоблашга асосланган. Қоматнинг антропометрик параметрларини контактсиз ўлчаш усулининг принципитал схемаси 2 – расмда кўрсатилган.



2-расм. Қоматнинг антропометрик параметрларини контактсиз ўлчаш усулининг принципиал схемаси

Триангуляцион ўлчагичнинг принципиал схемаси 3-расмда тақдим этилган.



3-расм. Триангуляцион ўлчагичнинг принципиал схемаси

Объект нуқталарининг реал координатлари (x, y, z) объектнинг координата тизимида қуйидаги ўзаро нисбатларда аниқланади:

$$x = \frac{x' \left(\frac{b \operatorname{tg} \theta \cdot \operatorname{tg}(90^\circ - \theta)}{\operatorname{tg}(90^\circ - \theta) + \operatorname{tg} \theta} \right) / \sec(90^\circ - \alpha)}{f \operatorname{ctg}(\theta + 90^\circ - \alpha) - x'} \quad (1)$$

$$y = \frac{y' \left(\frac{b \operatorname{tg} \theta \cdot \operatorname{tg}(90^\circ - \theta)}{\operatorname{tg}(90^\circ - \theta) + \operatorname{tg} \theta} \right) / \sec(90^\circ - \alpha)}{f \operatorname{ctg}(\theta + 90^\circ - \alpha) - x'} \quad (2)$$

$$z = \frac{f \left(\frac{b \operatorname{tg} \theta \cdot \operatorname{tg}(90^\circ - \theta)}{\operatorname{tg}(90^\circ - \theta) + \operatorname{tg} \theta} \right) / \sec(90^\circ - \alpha)}{f \operatorname{ctg}(\theta + 90^\circ - \alpha) - x'} \quad (3)$$

бу ерда f - фотоаппаратнинг фокус масофаси, θ бурчак - кўтарилиш бурчаги, b - ўлчам базаси, бурчак α - фотоаппарат фокал ўқининг базавий чизиққа нисбатан оғиш бурчаги.

Триангуляцион ўлчаш схемасида фотоаппарат фокал ўқининг базавий чизиққа нисбатан оғиши кузатилмаганда, бурчак $\alpha = 0$ бўлганда, объект нуқталари координатлари (x, y, z) объектнинг координата тизимида қуйидаги ўзаро нисбатларда аниқланади:

$$x = \frac{bx'}{f \cos \theta - x'}, \quad y = \frac{by'}{f \cos \theta - x'}, \quad z = \frac{bf}{f \cos \theta - x'}, \quad (4)$$

$$b = \frac{z}{\operatorname{tg} \theta} \quad (5)$$

Проекцион тасвирлар бўйича қомат юзасидаги бўйин, елка ва қўлтиқ ости формаллаштирилиши қийин бўлган антропометрик нуқталари координатлари ҳолатини аниқлаш вазифасининг ечими таклиф қилинди. Ушбу вазифа алгоритмининг ечими рақамли тасвирларда қоматнинг эталон фрагментини топиш ва эталон антропометрик нуқтага яқин бўлган нуқтани аниқлаш вазифасига қаратилган. Қомат фрагменти эталон тасвирлари кидирилаётган нуқта ҳолатини топиш ва аниқлаш алгоритмини ўргатиш учун унга эталон кўплик сифатида қаралади.

Қомат антропометрик нуқталарини аниқлаш учун Виола –Джонс аниқлаш алгоритмидан фойдаланиб, уни амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: қоматнинг антропометрик соҳасини (сегментини) белгилаб олиш; қоматнинг белгилаб олинган соҳасида (сегментида) антропометрик нуқталарни аниқлаш (белгилаш); эталон антропометрик нуқтага яқин нуқтани аниқлаш.

f белги учун Виола ва Джонс аниқлаш алгоритмини расмий жиҳатдан тасвир учун функциянинг бўсаға қиймати деб фараз қилиш мумкин:

$$h(x, f, t) = \operatorname{sign}(f(x) - t), \quad (6)$$

бу ерда f – шаклландуви белги, t – унинг бўсаға қиймати.

Умумий ҳолатда f белги k - қийматли ўзгармас-бўлак функция кўринишида ифодаланади:

$$h(x, f, t_\mu) = t_\mu,$$

$$t_{\mu-1} \leq f(x) \leq t_{\mu}, \quad 0 \leq t_{\mu-1} \leq 1, \quad (7)$$

бу ерда $t_{\mu} - \mu$ интервал учун бўсаға қиймати $\mu = 1, 2, \dots, k$, k – функция ўзгармас қийматининг интерваллари сони.

Тасвирнинг интеграл кўриниши қуйидаги кўринишга эга:

$$h(x, f, t_{\mu}) = t_{\mu},$$

$$t_{\mu-1} \leq f(x) \leq t_{\mu}, \quad 0 \leq t_{\mu-1} \leq 1, \quad (8)$$

Умумий ҳолатда тасвирда эталон билан таққослаш усули орқали объектларни топиш алгоритми эталон O ва тасвирнинг белгиланган фрагменти D учун R яқинликда функцияларни ҳисоблаш операцияларини амалга оширишни талаб қилади:

$$R = F(O, D), \quad (9)$$

бу ерда F – яқинлик ўлчовини амалга оширувчи ва қоида бўйича қарор қабул қилувчи функция:

$$\begin{aligned} \text{агар } R \geq T \text{ бўлса, у ҳолда } D = O \\ \text{агар } R < T \text{ бўлса, у ҳолда } D \neq O \end{aligned} \quad (10)$$

бу ерда T – бўсаға даражаси.

Эталон қоматлар белгиланган соҳасидаги тасвирлар тўплами $\{C_{\alpha}\}$, яъни антропометрик соҳанинг эталон эгри чизиклари аниқланади. Агар $x_{\alpha} \in \{C_{\alpha}\}$ эталон эгри чизикдаги антропометрик нуқта бўлса, $\{C_{\alpha}\}$ тасвирлар тўплами антропометрик нуқталарни аниқлаш алгоритмининг ўргатиш тўпламидан таркиб топади.

Айтайлик, P – тестдан ўтказилаётган қомат соҳасининг аниқланаётган эгри чизиги, $x_p \in P$ – P эгри чизикдаги $x_p \in P$, $P_i, i = 0, 1, \dots, n$ нуқталар тўпламидаги тақдим этилган (пикселда) антропометрик нуқта бўлсин. Айтайлик,

$$d(P_i, C_{\alpha}) = \min_{t \in [0, T]} d(P_i, C(t, \alpha)), \quad (11)$$

$P_i \in P$ нуқтадан C_{α} эгри чизикқача бўлган масофа маълум ўлчовда $C(t, \alpha) \in C_{\alpha}$ дан иборат бўлсин. У ҳолда, тестдан ўтказилаётган тасвирнинг антропометрик x_p нуқтасини аниқлаш (локализациялаш) вазифаси C_{α} эгри чизигини аниқлашдан иборат бўлади, бунда

$$\alpha^* = \operatorname{argmin}_{\alpha} \mu(C_{\alpha}, P),$$

$$\mu(C_{\alpha}, P) = \sum_{i=0}^n \min_{t \in [0, T]} [d(P_i, C(t, \alpha))]^2 \quad (12)$$

ва $x_p \in P$ нуқтани аниқлашдан иборат бўлади, бунда

$$x_p = \min_{i \in [0, n]} d(P_i, x_{\alpha}) \quad (13)$$

Аниқлаган антропометрик нуқталар ва уларнинг координатлари қоматнинг антропометрик параметрларини ҳисоблашда фойдаланилади.

Одам қоматининг айлана антропометрик параметрлари кийимнинг габарит ўлчамлари ва шаклини аниқлайди. Ҳозирда фойдаланилаётган қоматнинг айлана параметрларини ҳисоблашнинг математик моделлари сезиларли чекловлар эга бўлиб, ўлчамларнинг аниқлигини пасайтиради. Ишда улардан фарқли равишда қомат айлана кесимининг тўғри ва эллиптик эгри чизиқлар бўлакларидан ҳамда кесимнинг нуқталари координаталари ҳақида қўшимча маълумотлардан фойдаланган ҳолда антропометрик параметрлар аппроксимациясига асосланган инсон қомати ёйсимон антропометрик параметрларини ҳисоблашнинг янги математик моделлари таклиф этилди.

Олинган маълумотлар қирқим контури узунлигини ҳисоблаш учун дастлабки маълумот ҳисобланади. Айлана параметрларини ҳисоблашнинг иккита усули: тўғри ва иккинчи тартибли ёки юқори тартибли эгри чизиқлар бўлаклари ёрдамида яқинлашиш ҳамда Безье эгри чизиқлари ёрдамида қомат айланаси кесимининг аппроксимацияси кўриб чиқилди. Бунда, айлана параметрларини ҳисоблаш аниқлигини ошириш учун қоматнинг асимметрия кесими ва уни кузатилаётган кесим контурига нисбатан марказнинг силжишини ҳисобга олувчи усул тақдим этилди (4-расм). Эллиптик эгри чизиқлар бўлаклари узунлигини баҳолаш учун Рамануджан формуласидан фойдаланилди:

$$L=3,14 [3(a+b) - ((3a+b)(a+3b))^{1/2}], \quad (14)$$

бу ерда: a, b – мос равишда катта ва кичик эллипснинг ярим ўқи узунлиги.


Бел контури узунлигини T_{18} ҳисоблаш куйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$T_{18} = T_{55}/2 + 1/2 * 3.14 [3(h_1 + T_{55}/4) - ((3h_1 + T_{55}/4)(h_1 + 3 T_{55}/4))^{1/2}] + 1/2 * 3,14 [3(T_{55}/2 + h_2/2) - ((3 T_{55}/2 + h_2/2)(T_{55}/2 + 3 h_2/2))^{1/2}], \quad (15)$$

бу ерда: T_{55}, T_{111} – қомат проекцион тасвири бўйича ўлчанган белнинг фронтал ва олд-орқа диаметрлари, h_1 - қомат орқа чекка нуқтасидан фронтал текисликкача бўлган масофа, h_2 - қомат олд чекка нуқтасидан тасвирнинг фронтал текислигигача бўлган масофа.

Қомат тўлалигини ҳисобга олувчи фронтал (D) ва олд-орқа диаметрлари (d) ўзаро нисбатлари билан характерланадиган учта гуруҳга ажратилган қомат кесимлари абрислари типизацияси таклиф этилди. Ҳар бир гуруҳ учун айлана узунлиги шартли равишда ифода этилган нисбатдаги $k=D/d$ коэффициент орқали топилади (4-расм). Тўлалик гуруҳи $k<1$ коэффициент билан характерланадиган қомат учун айлана параметрларини Безье эгри чизиқлари ёрдамида аппроксимациялаш усули ишлаб чиқилди.

Таклиф этилган ёйсимон ўлчамларни ҳисоблаш усуллари асосида одам қоматининг турли ракурслардаги тасвирлари бўйича антропометрик характеристикаларни аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ушбу алгоритм бошқа ёйсимон ўлчамларни ҳам ҳисоблаш учун қўлланилди (Ош, Ог, Шг, Вг ва б.).



4-расм. Айлана узунлигини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган бел кесими контурининг шакли.

Диссертациянинг **“Қомат ўлчам параметрларини масофадан ўлчаш тизимини таъминлаш воситалари ва алгоритмлари”** деб номланган учинчи боби қомат ўлчам параметрларини масофадан ўлчаш технологиясини амалга оширувчи техник, дастурий ва ахборот воситалар таъминотини ишлаб чиқишга бағишланган.

Инсон қомати ўлчам параметрларини ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемаси 5-расмда кўрсатилган. Алгоритм масофадан ўлчаш технологиясини амалга оширувчи математик моделлар ва усуллар жамланмасидан иборат. Бу моделлар асосида «3D Body» антропометрик параметрларни масофадан ўлчаш тизимининг дастурий комплекси ва аппарат-техник воситалари ишлаб чиқилди.

«3D Body» дастурий комплекси таркибига қуйидаги модуллар киради: қурилма оптик тизимини калибровкалаш модули; ўлчанаётган объект ҳақида анкетали маълумотларни киритиш модули; қоматни турли ракурсларда тасвирга тушириш қурилмасининг интерфейси; тасвирларга ишлов бериш модули; тасвирда қомат контури ва силуэтини белгилаш модули; қоматнинг антропометрик нуқталарини белгилаш модули; антропометрик параметрларнинг уч ўлчамли координаталарини аниқлаш модули; қомат чизиқли ва ёйсимон антропометрик параметрларини ҳисоблаш модули; қоматнинг антропометрик маълумотлари, тасвирни сақлаш ва қидириш учун маълумотлар базаси модули.

«3D Body» масофадан антропометрик ўлчаш тизимининг аппаратли-техник воситалари қуйидаги компонентларни ўз ичига олган: ўлчаш кабинаси, фотокамера (Canon EOS 550D kit EF-S 18-55mm f/3.5-5.6 IS), ёруғлик структураси имитатори, компьютер, ўлчам белгиларни ҳисоблаш дастурий таъминоти, фотокамерани масофадан бошқариш учун DSLR Remote Pro for Windows дастури (6-расм). Қурилма таркибини кенгайтириш ва қўшимча воситаларни киритиш имконияти кўзда тутилган.



5 –расм. Одам қомати ўлчам характеристикаларини ҳисоблаш алгоритмининг блок-схемаси.



6-расм. Антропометрик параметрларни мобил ўлчаш тизимида ҳисоблаш жараёни.

7-расмда “3D Body” тизими дастурий модулларининг ишлаш фрагментлари тақдим этилган.



а)

б)


7-расм. “3D Body” тизими дастурий модулларининг ишлаш фрагментлари:
а) турли ракурслардаги қомат тасвири б) силуэт ажратиб олиш, қомат антропометрик нуқталарининг жойлашуви

«3D Body» масофадан ўлчаш тизими танлаб олинган ёруғлик тарқалиш шароитида хонада (кабинада) фойдаланишга йўналтирилган. Ўлчаш кабинасининг деворлари, унинг рангли ва текстурали характеристикаси ўлчанаётган қомат силуэтини умумий фондан ишончли ажратиб олишни таъминлаши керак. Экспериментлар натижасида қоматни фондан яхши ажратиб олишни таъминлайдиган яшил рангли фон танлаб олинди. Бошқа рангдаги фондан ҳам фойдаланиш мумкин. Фотокамера жойлашуви, оптик тизим ва ёритиш асбобларининг параметрлари, ранг ва матоларнинг фактураси, девор қопламалари ва ўлчаш кабинасининг бошқа характеристикалари тизимни калибровкалаш жараёнида аниқланади.

«3D Body» масофадан ўлчаш тизимининг дастурий воситаларини ишлаб чиқишда қуйидаги талаблар инобатга олинган: оммавий тарзда антропометрик тадқиқотлар ўтказилишини информацион қўллаб-қувватлаш; тизимнинг аппаратли-техник таркиби ва ўлчанаётган белгилар тўплами ўзгариши имконияти; дастурларни қуришда модулли ёндашув ва дастурни функционал кенгайтириш ҳамда модификациялаш имконияти; антропометрик маълумотлар ва тасвирлар архивларини яратиш ва шунингдек уларга киришни таъминлаш имконияти; тасвир архив маълумотларига ишлов бериш имконияти (алоҳида ишлов бериш режими); оператив тарзда ўлчамлар олинишини таъминлаш; очиқ дастурий таъминотдан, дастурий кутубхоналардан, маълумотлар базаси бошқарув тизимидан ва дастур ишлаб чиқиш воситаларидан фойдаланиш имконияти; тизимдан фойдаланишда интерактивлик ва фойдаланувчи менюси ёрдамида фойдаланувчининг дастур билан ўзаро ҳаракати; ташқи мослама ва маълумот ташувчилардан маълумотни импорт ва экспорт қилиш имконияти, кийимларни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари билан интеграцияси; дастурлардан фойдаланишнинг қулайлиги, тизимнинг мобиллиги.

«3D Body» тизимининг дастурий воситалари (8-расм) қуйидаги компонентларни ўз ичига олган платформада ишлаб чиқилган: Microsoft

Windows; тасвирларга ишлов бериш Open CV дастурлари кутубхонаси; Microsoft SQL Server 2008 маълумотлар базаси; Visual Studio 2012 инструментал дастурлаш мухити; C++, C#, SQL дастур ишлаб чиқиш тиллари. Ишлаб чиқилган «3D Body» антропометрик параметрларни масофадан ўлчаш тизимининг характеристикалари 1- жадвалда тақдим этилган.



8-расм. Тизим алоҳида модулларининг экранли шакллари

Қомат антропометрик параметрларини масофадан ўлчаш методикаси: ўлчаш усули, воситалари, ўлчашни амалга ошириш ва уни ташкиллаштириш шартлари, ўлчанадиган параметрларнинг диапазони каби талабларни ўз ичига олган методика ишлаб чиқилди. Методика турли кийимларни конструкциялашда фойдаланиладиган қомат юзасининг турли текисликдаги проекцион, тўғри чизиқли, бўйлама ва кўндаланг ёйсимон ўлчамли маълумотларни автоматик тарзда олишни ҳамда қомат кесимлари контурини куришни назарда тутди. Ишлаб чиқилган методика талаб қилинадиган аниқликдаги ўлчамларни олишни ёки ўлчам хатолиги рухсат этилган меъёрдан ошмаслигини таъминлайдиган операция ва қоидалар тўпламини ўз ичига олади. Ушбу методика оммавий антропометрик тадқиқотлар ўтказиш учун инструмент ҳисобланади.

**Антропометрик параметрларни масофадан ўлчаш
тизимининг техник характеристикаси**

Булутда нуқталар сони	қомат ўлчами ва талаб қилинган аниқликка боғлиқ бўлган ҳолда 3 млн. гача
Ўлчаш режими	автоматик режимда
Айлана параметрларини ва масофаларни ўлчаш	нуқталар орасидаги масофа, сплайн аппроксимация
Сканерлаш вақти	30 сек.гача
Форматларга экспорт қилиш	IV, CGM, PLY, DXF, XYZ, STL, OBJ
Габарит ўлчамлар	9м ² майдонга эга бўлган хона
Ташқи шартлар	яшил ранг фонидан фойдаланиш. Кийим кўк элементлардан таркиб топмаган бўлиши керак
Ўлчам хатолиги	Чизиқли параметрлар учун - 2мм кўп эмас, айлана -3мм кўп эмас

Диссертация ишининг «Аёллар мақсадли гуруҳининг ўлчамли типологиясини шакллантириш» номли тўртинчи боби 3D сканерлаш технологиясини тадбиқ қилиш ва аёллар мақсадли сегментининг ўлчам типологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.


Маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиладиган ўлчам стандартларининг таҳлили ушбу стандартлар асосида тайёрланадиган тикув буюмларини қоматда сифатли ўрнашувини таъминлай олмаслигини кўрсатди. Аёллар муайян сегментининг тайёр кийимлар билан етарли қониққанлик даражасини таъминлайдиган типавий қоматлар оптимал сонини ҳамда ўлчам ва бўй шкалаларини аниқлаш илмий вазифаси шакллантирилди. Асос сифатида танлаб олинган ISO ЕИ мамлакатлари типологияси кенг тарқалган ва ишлаб чиқиш мақсадига яқин бўлган ўлчам типологияси эканлиги қайд этилди. ISO ЕИ мамлакатлари типологияси учта бўй ва учта тўлалик гуруҳига эга.

“3D BODY” қоматнинг ўлчам параметрларини масофадан ўлчаш тизимидан фойдаланилган ҳолда аёллар мақсадли гуруҳи доирасида оммавий антропометрик тадқиқотлар ўтказилди. Танланма ишлаб чиқарувчилар учун жозибадор аёллар кийимлари истеъмолчилари «мода амалиётчиси» ва «эҳтиёткор» гуруҳларини ўз ичига олди. Уларнинг умумий солиштирма оғирлиги 49,5 % ташкил этади.

Тадқиқотлар 2016-2017йй.да Республиканинг Тошкент ва Наманган вилоятларида, 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган аёллар ўртасида ўтказилди. Танланма ҳажми 1100 аёлни ташкил этди. NCSS статистик таҳлил дастурлари пакети ёрдамида маълумотларнинг статистик ишлови ўтказилди. Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича етакчи ўлчам белгиларнинг вариацион қаторлари қурилди (10-расм).

Антропометрик тадқиқотлар маълумотларини статистик ишлови натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бунда фақатгина тана узунлиги

(бўй) эмпирик тақсимоти нормал тақсимот қонунига бўйсунди. Кўкрак айланаси, бўкса айланаси ўлчам белгилари тақсимоти эса ўзгача кўринишга эга бўлди (2-жадвал). Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ISO ЕИ давлатлари типологиясидан фарқли равишда, бўйнинг ўртача қиймати 160,5 см ташкил этди.



9-расм. Етакчи ўлчам белгиларининг вариацион эгри чизиқлари: а) бўй, б) кўкрак айланаси учинчи, в) бўкса айланаси

